

## Мавлид ҳақида ўйлар (ўн еттинчи мақола)



15:01 / 25.10.2021 1974

Бу мавзудаги маълумотларни холис ўрганадиган бўлсак, бу ҳақда озми кўпми тушунча ҳосил бўлади ва бир қатор хулосалар келиб чиқади.  
Жумладан:

1. Маҳалли қиём тушунчаси салафлар вақти у ёқда турсин, даставвал мавлид жорий қилинган даврларда ҳам бўлмаган, кейинроқ пайдо бўлган. Бу амалнинг илк бор айнан ким тарафидан йўлга қўйилгани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Ҳар қалай, бу иш мавлид йиғинлари авж олиб, уни мунтазам ўтказиш, мавлидга атаб шеърлар, асарлар ёзиш урф бўлиб, тарихий жараён тартибида мавлид китоблари битилиб, уларни мавлид маросимларида ўқиш йўлга қўйилгач, ўша асардан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллудлари зикр қилинган жойини ўқилганда ички туйғу ва эҳтирослар турткиси билан, эҳтиром маъносида ўриндан туриб

салавот, наът айтиш шаклида юзага келган.

2. Маҳалли қиёмда туриш ҳам худди мавлид каби махсус бирор насснинг далолатидан келиб чиқиб, унинг ижроси учун йўлга қўйилган амал эмас. Балки уни мажлисдаги вазиятдан келиб чиқиб, ўша жойда ҳукм суриб турган руҳий ҳолатнинг турткиси билан, шариат умумий тарзда тарғиб қилган, рухсат берган амал сифатида жорий қилишган ва бунга қаршилик қилганларга раддия бериш маъносида далиллар келтиришган.

Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эҳтиром кўрсатиш шариат чегараларини кўрсатган ҳолда очиқ қўйган майдондир, бу борада ҳар бир ҳаракат учун маълум нассга суяниш талаб қилинмайди, деб билишган. Мисол учун, имом Молик раҳматуллоҳи алайҳ Мадинада уловда юрмас, «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жасадлари бор жойда уловда юраманми?» дер эди. У киши ҳадис айтадиган бўлса, таҳорат олиб, энг кўркам кийимларини кийиб, соқолларини тараб, ўзига оро бериб олгандан кейингина ҳадис айтишга киришар эди. Ҳолбуки, бу ишларнинг ҳеч бири ҳақида ҳеч қандай шаръий кўрсатма йўқ ва саҳобаи киромлардан биротаси бу ишни қилмаган. Аммо бу иш диннинг шиъорини улуғлаш эътиборидан мақбул амал ҳисобланган.

Солиҳ подшоҳлардан бири Маҳмуд Ғазнавий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг номларини бетаҳорат тилга олмас эди. Бир гал таҳорати йўқлиги сабабли Муҳаммад исми котибини унинг отасига нисбат бериб: «Ҳой вазирнинг ўғли!» деб чақирган эди. Ўтган асрнинг ўрталарида Андижон уламоларининг пешвоси бўлган Абдулмажид қози домла: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёшларига етмаган киши у зотнинг номларини айтмай, «Пайғамбаримиз», «Расулуллоҳ» деб тилга олсин, одоб шу», дер экан.

Бу каби ишлар одоб ва ахлоқ намуналаридир, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган чин муҳаббат ва эҳтиромнинг ифодасидир. Ана шу эътибордан ва энг муҳими, шариат доирасидаги иш бўлгани учун бундай амаллар яхши, савобли иш ҳисобланади. Бу бобда қатъий чегара қўйилмайди. Бунга ўхшаш ишлар замон ва маконга кўра ўзгариб, алмашиб тураверади, аммо мақсад ва манҳаж бир бўлади.

3. Маҳалли қиём фақат бизда эмас, балки бутун Ислом оламида кенг тарқалган одат бўлган. Айниқса охирги асрларда бу амал мавлид маросимининг бир қисмига айланган эди. Аммо бугунги кундаги мавлид маросимларида бу одат жуда кам учрайди. Бунга ҳозирда мавлид

Йиғинларида тарихий жараён тартиби бўйича ёзилган асарларни ўқишдан кўра турли мавзулардаги наътларни айтиш, суҳбатлар қилиш одат тусини олаётгани ҳам сабаб бўлмоқда.

4. Маҳалли қиёмда туриш мавлид маросимларида кенг тарқалган бўлишига қарамай, ҳатто мавлид тарафдорлари ичида ҳам ихтилофли масаладир. Жумладан, Ибн Ҳажар Ҳайтамий раҳматуллоҳи алайҳ мавлидни савобли амал деб айтиш билан бирга, унда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллудлари зикр қилинганда ўриндан туришни дуруст эмас деб айтган.

Биздаги маълумотларга кўра, ўтган асрда Фарғона водийси уламолари ўртасида ҳам бу ишни ёқламайдиган олимлар бўлган. Ишончли кишилардан эшитишимизча, андижонлик уламолардан бири Наманганга мавлид маросимига боради. Маросимда ўтирган уламолар маҳалли қиёмни дурустмас деб билишар экан. Бундан бохабар бўлган андижонлик олим маҳалли қиёмга келганда ёнида ўтирган, мажлис аҳлининг ичида энг мўътабар саналган наманганлик олим шеригини туришга ундайди ва уларнинг нима учун турмаётганини фаҳмлаб, шартта ўрнидан туради, шунда мажлисдагилар ҳам меҳмоннинг ҳурматидан ўринларидан турадилар.

Биз бу ерда ким тўғри иш қилганини таҳлил қилмоқчи эмасмиз, балки қиём ҳақидаги хилоф кўп жойларда қадимдан бўлиб келганини айтиб қўймоқчимиз, холос.

Бу борадаги ихтилофнинг хулосаси шуки, маҳалли қиёмни жорий қилган кишилар бу ишни юқорида айтилган умумий таъзим, эҳтиром деб санашган ва унга шаръий амал деб эмас, оддий одат деб қарашган. Қарши тарафлар эса бу ишни диний тус олган амал деб, бидъат дейишган.

5. Маҳалли қиём аслида мажлисдаги кишилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллуд онлари ва ушбу соатдаги ажойиботлар ҳақидаги байтларни тинглаганларида бу буюк неъмат шодлигининг изҳори учун, у зот алайҳиссаломга таъзим ўлароқ, ўзларини гўё у зот дунёга келган чоғларида ҳозир бўлгандек, у зотни кутиб олаётгандек ҳис этиб, эҳтирослари қайнаб, ғалаёнга келганидан тушадиган ҳолатдир. Шунинг учун маҳалли қиёмда одатда кутиб олинаётган меҳмонга айтиладиган олқишли сўзлар, мақтов ва мадҳлар айтилган. Мисол учун, имом Барзанжий ўзининг насрий мавлид асарида маҳалли қиём учун Шарафуддин Бусурийнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг

таваллудларига бағишлаб ёзган айрим байтларини танлаган бўлса, назмий мавлидида хитоб шаклида битган «Марҳабо»сини келтиради. Айрим жойларда бу мақомда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга айтилган илк мақтовли шеър – ансорлар бадиҳа шаклида айтган «Толаъал бадру»ни айтишади. Бунда мавлидхонлар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг Мадинага кириб келган пайтларини ҳам тасавур қилиб, ўзларини ансорлар сафида ҳис қиладилар, ўша дамдаги шодлик ҳиссини вужудларида туядилар. Баъзан эса маҳбублари соллalloҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатлари ва соғинчлари жўш уриб, хаёлан у зотнинг шу мажлисга кириб келганларини тасаввур қиладилар, у зотни шу жойда бордек фараз қиладилар. Ана шундай юксак руҳият уларни бу ўринда тик туришга ундайди. Бу ҳол уларнинг мавлидда зикр қилинаётган сўзларга ўта берилиб, киришиб кетганларидан, ўзларини ўша саодат асрида, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг қаршиларида тургандек ҳис этганларидан юзага келади. Улар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни соғинганларидан, у зотга таъзим изҳор қилишга иштиёқлари баландлигидан шу баҳона ушбу туйғуларини қондиришга интилишади.

6. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг таваллудларини эшитганда ўридан туриш фақат мавлид маросимларига хос бўлган, шу йиғиннинг ярашиғи сифатида қилинган. Ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч қаерда «Қачон Набий соллalloҳу алайҳи васалламнинг таваллудлари ҳақида гапирилса, ўридан турилади ёки турамиз», деб айтмаган ва бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Шундан ҳам билса бўладики, бу амал тадбирдаги оддий бир одат бўлган, у ердаги руҳий ҳолатнинг инъикоси бўлган.

7. Аслини олганда, маҳалли қиёмда туришни сўфийларда учрайдиган ҳолнинг, яъни уларнинг руҳий оламидаги ғалаённинг, жазбанинг бир ифодаси, дейиш ҳам мумкин. Зотан, мавлид йиғинларида асосан ана шундай ҳассос қалбли кишилар, аҳли завқлар бош бўлишган. Ушбу жиҳатдан олиб қаралганда, бу амал ҳар кимнинг шахсий ҳолига ҳавола қилинади. Шунда «ҳол эгалари ўз ҳолларига қўйилади» деган қоидага кўра, буни қилганларга нисбатан айтиладиган танқид ўринсиз ҳисобланади. Аҳмад Зарруқ раҳматуллоҳи алайҳ ўзининг «Тасаввуф қоидалари» номли китобидаги 40 қоидада жумладан шундай дейди:

«Илм изланиш ва тадқиқ қилишга асосланади. Ҳол эса таслим ва тасдиққа асосланади. Агар ориф инсон илмдан гапирса, унинг Китобу Суннатга, салафларнинг сўзларига қанчалик таянганига қаралади, чунки илм

Ўзининг асосига кўра эътиборга олинади. Аммо ориф инсон ўзидаги ҳолдан келиб чиқиб гапирса, уни ўз завқига таслим қилиш лозим, чунки бу ҳолга фақат унга ўхшаш кишигина ета олади. Бинобарин, бундай одам ўзининг виждони – ички оламидаги ҳолатга кўра эътиборга олинади. Ҳол ҳақида эса ўша ҳол эгасининг омонатдорлиги, салоҳиятига кўра хулоса чиқарилади. Кейин эса унга эргашилмайди, чунки унинг ҳукми умумий бўлмай, фақат унга ўхшашлар ҳақидагина эътиборлидир».

*(Давоми бор)*

**Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид**